



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 20 октябрь, жума № 154 (986)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«АВФ» «БОШИМ ЭГИК, УЗР СЎРАЙМАН»

Афсуслар бўлсинки, мустақил Ўзбекистонимизда ёшларга кўрсатилаётган меҳрибонликларга қарамай баъзи оилалар, меҳнат жамоаларида, ўқув масканларида таълим-тарбиянинг талаб даражасида эмаслиги, кўпчиликнинг бепарволиги оқибатида баъзи гўр, тажрибасиз ёшлар ўртасида турли диний оқимлар таъсирига берилиш сезилмоқда.

Яқинда Самарқанд вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда бу ҳақда алоҳида гап борди. Унинг иштирокчилари Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳамда «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармонларнинг аҳамияти хусусида дил сўзларини изҳор этдилар. Хусусан, Самарқанд вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Шомирзаев, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари Х.Пардаев ва бошқалар ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, бунда маҳаллаларнинг роли ҳақида гапириб бердилар.

Йиғилишда ЎзРЖКнинг 169-моддаси билан судланган, амнистия шарофати билан жазони ўташдан озод қилинган А.Шарипов ва В.Шеглаковлар сўз сўрадилар:

— Нотўғри йўлга кирганимизни тушуниб етдик, виждонимиз қийноқда. Энди ҳалол меҳнат билан ўзимизни оқлашга, яхши бир касб эгаси бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз. Гуноҳимиздан ўтиб, авф этганлари учун Президентимиздан бекиёс даражада миннатдоримиз.

Ургутлик М.Султонов ўз сўзини қуйидагича ифодалади:

— Мен 1995 йилда мусулмончилик фарзларини ўрганиш ниятида юрган пайларимда «Хизбут-таҳрир» оқими гуруҳига боғланиб қолдим. 20 нафар ўзбек ўғлонига нотўғри диний таълим берганман. Айбимни тўла тушуниб етдим. Ўйлаб қарасам, нафақат ўзимни, балки болаларни ҳам гуноҳи азимга бошлаган эканман. Президентимиз «Авф» эълон қилиб жуда катта олижаноблик, бағрикенглик кўрсатдилар. Биламанки, айримлар узр сўраб борсақ-да, барибир кечиримайди, деган нотўғри ҳаёлда юришибди. Эгилган бошни қилич кесмас. Бунга биз чуқур ишонч ҳосил қилдик. Шу боис адашган йигитларга қарата шундай дейман: хали ҳам кеч эмас, тавба-тазарру билан келсангиз, кадрдон жойларингизда, кадрдонларингиз бағрида тинч-хотиржам яшаб, меҳнат қилиш имконига эга бўласиз.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси Хосият Бобомуродованинг юрак сўзларини энтиқиб тингладилар. Шоира адашган кимсаларга қарата деди:

Жоҳиллар ўзича базмга келди, Ирмоқлар дарёи азимга келди, Юртбошига бир халқ таъзимга келди, Болалар, сизларни кечирди Ватан!

Озодлик! Даврондир асли бу фасл, Айтарлар: тушим ё ростми, бу фасл, Тавба-тазаррулар фасли бу фасл, Болалар, сизларни кечирди Ватан!

Мардлар тупурмайди тузлуқларига, Банд бўлинг занжирларнинг узукларига, Жон кирсин Темирнинг тузукларига, Болалар, сизларни кечирди Ватан!

Ёдингизда она алласи бордир, Шўх-шодон тўйларнинг яллasi бордир, Бағрингизни ўртар палласи бордир, Болалар, сизларни кечирди Ватан!

Аччиқ рўйхатларда қайдингиз келди, «Саждогоҳ юртга узр айтинг»гиз келди, Аслингизга тортар пайтингиз келди, Болалар, сизларни кечирди Ватан!

М.ҲАЙИТОВА, «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримов 19 октябрь кун Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Австрия ташкиллар вазири Бенита Ферреро-Валднерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга таширифи билан кутлар экан, ЕХХТнинг Марказий Осиё минтақаси билан алоқаси изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Австрия ЕХХТга раислик қила бошлаганидан буён ташкилотнинг минтақамизга эътибори кучайди. Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик масалаларига бағишлаб очилган халқаро анжуман ҳам бунинг бир тасдиғидир.

Ташкилотнинг Ўзбекистонга иккинчи бор таширифи буюрган амалдаги раиси бу ердаги вазият ва минтақавий муаммолардан яхши хабардор эканлигини қайд этди. Бенита Ферреро-Валднер хонимнинг таъкидлашича, ташкилот наркотик моддаларнинг ноқонуий савдоси, халқаро террорчилик ва

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



уюшган жиноятчиликка қарши курашда минтақа мамлакатларининг саёй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, бу борада уларнинг ЕХХТ ва БМТ билан алоқаларини янада ривожлантиришни мўлжалламоқда. Шу билан бирга, Б.Ферреро-Валднер мазкур муаммоларни бартараф этиш борасида Австрия Ўзбекистон ҳамда

минтақамизнинг бошқа мамлакатлари билан икки томонлама асосда ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини айтди. Сўхбат чоғида минтақавий хавфсизлик, Ўзбекистоннинг ЕХХТ ва Австрия билан алоқаларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. (ЎЗА).

Шу кун Президент Ислам Каримов БМТ Бош қотибининг ўринбосари, Наркотиклар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқарманинг ижрочи директори Пино Арлаккини қабул қилди.

П.Арлакки Марказий Осиёда хавфсизлик масалаларига бағишлаб Тошкентда очилган халқаро анжуманда қатнашиш учун Ўзбекистонга келган. Пойтахтимизда бошланган мазкур конференциядан кўзланган мақсадлардан бири наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчи-

ликка қарши курашда ҳамда умуман хавфсизлик масалаларида минтақавий ва халқаро миқёсдаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишдан иборат.

Меҳмон Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизлик борасида илгари сураётган ташаббуслари ва амалга ошираётган ишларини юқори баҳолади. Бу ташаббуслар ўзаро халқаро ҳамкорликка асос бўлишини ташкил этишини таъкидлади. Тошкентдаги учрашувлар ўзи раҳбарлик қилаётган бошқарманинг хавфсизлик масалаларида Ўзбекистон билан алоқаларини янада фаоллаштиришига ишонч билдирди.

Ўзаро мулоқот асосида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. (ЎЗА).

Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари

Алишер Навоий номидаги Катта Академик театрга «Фукаку Тайко» ногорачилар гуруҳининг тантанали чиқиши ўтказилди.

ПОЙТАХТДА ТАЙКО САДОЛАРИ

— Ногорачилар гуруҳи Марказий Осиёда илк бор ўз санъатларини намойиш қилишгапти. — деди маросимда сўзлаган Япониянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчиси Кёко Накама. — Улар Тошкентга келишдан аввал Венгрия, Словакия, Чехияда ижодий сафарда бўлдилар. Гуруҳнинг чиқишлари япон халқининг анъаналари, афсоналари ва Япония табиати ҳақидадир.

Тайко, яъни япон ноғорасининг тарихи жуда қадим даврларга бориб тақалади. У дастлаб одамлар ўртасида мулоқот ўрнатиш вазифасини ўтагандир. Бу мусика асбобидан ҳатто XV-XVII асрлардаги харбий юришларда жангчи аскарларнинг руҳини кўтаришда ҳам фойдаланилган. XVII-XIX асрларга бу мусика асбоби япон маданиятининг бир қисмига айланди.

К.Накаяманинг эътирофи билан, кейинги йилларда Тайконинг оммавийлиги сезиларли даражада ошди. Японияда турзилган хар бир Тайко гуруҳининг ўзига хос, бир-бирини такрорламайдиган оҳанги бор. Тайконинг яна бир ўзига хос томони шундаки, у устлар томонидан кўлда, асосан кейкиги дарахидан тайёрланади. Еғоч махсус мосламада бир йилга яқин қуритилади. Анъанага кўра, ногорани маромига етказиб тайёрлаш учун, одатда ўн йилдан зиёдрок вақт кетади. Элчи сўзининг яқинида маданий алоқалар, санъат орқали икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди. «Туркистон-пресс».

Ўқувчиларга қишки кийим-бош

Мақтабларнинг 1-4 синфда ўқийётган 312 мингдан ортиқ ўқувчилар - кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари шу кунларда бир сидра бепул қишки уст-бош ва пойабзал оlishмоқда. Улар иссиқ куртка, пойабзал, телпак ва кўлқопдан иборат бўлиб, умумий нархи 6 миң сўмдан зиёд.

Халқ таълимининг туман, шаҳар ва вилоят муассасаларини ушбу кийим билан таъминлаш ва болаларга тарқатишда Халқ таълим вазирлигининг «Таълим савдо» бошқармаси шуғулланмоқда.

Мазкур тадбир Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги «Ўқувчилар ва ўқувчилар турмушининг моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига мувофиқ туртинчи мартаба ўтказилмоқда. Шунингдек, тадбир «Соғлом авлод» давлат дастурига ҳам киритилган.

«Таълим савдо» бошқармаси маълумотига кўра, жорий йилда ушбу тадбирни

амалга оширишга ҳукуматимиз 2 миллиардга яқин маблағ ажратган. Болалар учун сотиб олинган барча қишки уст-бош ва пойабзаллар мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Мақтаб ўқувчиларининг кийимлари кўркам ва ярашқли бўлиши учун Халқ таълим вазирлиги хар йили тизимли равишда тендер эълон қилмоқда. Қишки кийим-кечаклар тўла сотиб олиншини кафолатловчи шартномалар фақат юқори сифатли кийим-бошлар тиканган корхоналар билан тузилмоқда.

Республикамиздаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг қишки мавсум учун керакли бўлган нарсалар билан таъминлаши - мамлакатимиз раҳбариятининг ўсиб келаётган авлод тўғрисидаги гамхўрлигининг яна бир ибодидир. Мазкур ҳукумат ҳужжати доирасида барча биринчи синф ўқувчилари хар йили бепул ўқув қуроллари тўлаими билан таъминланмоқда.

• Бор бўл, оқибат! •

Техника хавфсизлиги

та бош бўлиб туриши лозим бўлган вазифани ба-жармасдан бошқаларга топшириқ бериш билан кифояланиб кўя қолган. Аслида М. Султонов иш бошлаган илгари ишловчилар билан йўриқно-

ўзингдан кўр, деганлари-дек А. Холбеков эҳтиётсизликка йўл қўяди. Сув насоси ишга туширилган чоғда темир қувурда ўтирган ҳолда қўли билан бинонинг темир эшигини тутиб турарди.

МАЗ 500 А автомобили филдирраги камераси тешилиб қолади. Уни таъмирлашга киришган ҳайдовчи, токар М. Арзикуловни ёрдамга қақиради. Филдиррак гайкалари ечилади. Аммо сўнгги мур-

носоз техникаларни катта йўлда бошқариш ёхуд махсус тайёргарлик талаб этилаётган ишларга ҳам баъзилар қўл уриб кетавериши оддий тус олмақда. Ачинарлики, бундайларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этишини талаб қилаётган мустақилликлар негадир бир чеккада томошабин бўлиб қолишапти.

— Аксарият ташкилот ва корхоналарда бўлганимизда техника хавфсизлиги масаласи энг сўнгги ўринга тушиб қолганига гувоҳ бўлаёلمиз, — дейди Сирдарё вилоят Агротехнология ва ҳудудий тартиб-қоидаларига риоя қилмаслик муҳим ҳодисага сабаб бўлади.

«1-Бобу» хўжалиги тракторчиси Абдумавлон Жангиров ҳам тасодиф қурбонига айланди. МТЗ-80 русумли тракторни катта арик ёқасида бошқариб келаётган Абдумавлон бехосдан ариққа кулаб тушиб, оламдан кўз юмади. Ўйлаб босилмаган қадам оқибати хамиша вой. Кейинги пайларда

ЭҲТИЁТСИЗЛИК-УМР ЗАВОЛИ

ма ўтказиб, юкни илдириш қоидаларига риоя қилинишини таъминлаганда эди, кўнгилсиз олдидан олиб олинган бўларди. Қолаверса, юк кўтариш мосламалари билан ишловчи киши махсус тайёргарликдан ўтган бўлиши керак эди. Таассуфки, ана шу оддий қоидаларга риоя қилиш ҳеч қимнинг эсига келмаган.

Мирзачўл МККси ишчи А. Асатулла Холбеков билан содир бўлган воқеа ҳам икки томчи сувдек олдингисига ўхшайди. Тик қудуқ қувурига ўтирган Асатулла насос станцияси бошқармаси устаси А. Ашуровдан қудуқ лоқайдлик, эҳтиётсизликнинг ачиқ мевасидир. Унинг бошқарувидаги

Оқибатда электр қуввати қўлланишига тушиб қолиб халок бўлади. Натижада техника хавфсизлигининг олдий тартиб-қоидаларига риоя қилмаслик муҳим ҳодисага сабаб бўлади.

Ўрни келганда шунини таъкидлаш жоизки, вилоятнинг қатор ташкилот ва корхоналарида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ҳолига ташлаб қўйилган. Бу масалалар билан қизиқувчи мустақилликларнинг эса парволи фалак.

Сирдарё вилояти сув кўтариш иншоотлари энергетика ва алоқа бошқармаси ҳайдовчиси Фарход Арзикулов билан содир бўлган ҳодиса ҳам лоқайдлик, эҳтиётсизликнинг ачиқ мевасидир. Унинг бошқарувидаги

ВАКОЛАТХОНАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Тошкентда БМТнинг Наркотиклар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқармаси минтақавий ваколатхонасининг янги офиси очилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда иштирок этган БМТ Бош қотибининг ўринбосари, Наркотиклар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ижрочи директори Пино Арлакки мазкур ваколатхона Марказий Осиёда гиёҳванд моддалар ва уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига қарши курашда ўз ўрнига эга эканлигини таъкидлади.

Ваколатхона наркотик моддалар назоратини амалга оширишда Марказий Осиё мамлакатларида олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Янги офис барча зарурий техника воситалари билан жиҳозланган бўлиб, ваколатхона фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайди. (ЎЗА).

2000 йил — Соғлом авлод йили

Соғлом авлод йили муносабати билан туман, шаҳар кўмиталари ва ҳар бир бошланғич таълим йўналишида тадбир ва режаларини тузди...

бўлимида ишловчи К. Маҳмадова ёш боласи борлиги учун бир соат олдин ишдан кетади. Маош ва мукофот пул-

ажратилмоқда.

Йилнинг ўтган ойларидан иختисослаштирилган тижорат Пахтабанки Наманган вилояти бошқармаси маъмурияти ва касабаси уюшма кўмитаси жамоа шартномаси асосида Самарқанд шаҳри ва вилоят қадамжолари бўйлаб саёхатга 30 кишидан иборат гуруҳни жўнатди. Уларнинг 21 нафари кўп болали аёллардир. Бу хайрли иш учун маъмурият томонидан 600 минг сўм пул ажратилди.

МЕҲНАТЧИ АЁЛЛАРГА КЎШИМЧА ИМТИЁЗ

Тармоқ кўмитамиз жойларда режалаштирилган ишларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб турди. Зарур ҳолларда амалий ёрдам кўрсатилди. Яқинда бўлиб ўтган раёсат йиғилишида эса «Соғлом авлод йилида маънавият-маърифат ишларини йўлга қўйиш ва меҳнаткашлар дунёқарашини шакллантириш борасида Поп туман тармоқ касабаси уюшма кенгашининг ташкилотчилиги тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

касаба уюшма ташкилотлари муайян ишларни амалга оширишмоқдалар. Чунинчи, туман ижтимоий таъминот бўлими (касабақўми раиси Н. Алиева)даги маънавият ва маърифат хонасида «Соғлом авлод йили»га бағишлаб алоҳида бўлим ташкил қилинган. Ундан республикамиз, вилоятимиз ва туманда қилинаётган ишларга оид маълумотномалар, суратлар ҳамда шу йўналишдаги Президент Фармонлари, қатор мей ёрий ҳужжатлар ўрин олган. Булардан ташқари, туман молия бўлими томонидан ушбу йўналишга 150 минг сўмлик маблағ ажратилди. Туман «Пахтабанк»

ларини эса вақтида олиб туради. Байрам ва ҳайитларда эса бу ташкилотда аёллар биринчи навбатда рағбатлантирилади. Шунингдек, ижтимоий таъминот бўлимида ишлаётган 25 нафар хотин-қиз ҳам қатор имтиёзлардан баҳраманд бўлаётди.

Оналарни моддий қўллаб-қувватлаш билангина чекланиб қолмасдан, балки уларнинг ҳуқуқий саводхон бўлишига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Масалан, Тўрақўрғон тумани касабаси уюшма кенгаши ташаббуси билан турли мавзуларда суҳбатлар, тушунтиришлар ўтказилмоқда. «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Соғлом авлод деганда нимани тушунасиз?» каби мавзуларда учрашувлар бўлиб ўтди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Наманган вилояти бўлими касабаси уюшма ташкилотининг маъмурият билан тузган тadbрида 16 ёшгача 2 нафар фарзанди бўлган банк ходимларига энг кам иш ҳақининг бир миқдоридан, 3 та фарзанди борларга 1,4, 4 ва ундан ортиқ боласи бўлган ходимга 1,7 ойлик маош миқдоридан кўшимча пул тўлаб келинмоқда. Умуман, банк бўйича шу мақсад учун ҳар ойда 70 миң сўм

Мираббос ЖАЛИЛОВ, Наманган вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси.

САВОЛ: Зарарли ишда ишлаганим учун соғлигим яхши эмас. 7780 сўм пенсия оламан. Хотиним ишламайди. Умуман оилада даромадимиз кам, харажатларимизни қопламайди. Юқоридан айтиб ўтилган соғлигимга зарарли ишда ишлаганим учун кўшимча пул тўлашни керак эмасми? Моддий жиҳатдан менга қандай ёрдам берилиши мумкин?

И. ЮСУПОВ, Нарпай тумани. ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 26- ва 27-моддаларига биноан ёшга доир тўлиқ пенсиянинг асосий миқдори пенсия ҳисоблаш учун олинган ўртача иш ҳақининг 55 фоизини ташкил этади. Пенсиянинг асосий миқдори талаб этиладиган иш стажини (эркаклар учун 25 йил, аёллар учун 20 йил)дан ошган ҳар бир йил учун ўртача иш ҳақининг 1 фоизига оширилади. Барча ҳол-

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

ларда ёшга доир пенсиянинг асосий миқдори пенсия ҳисоблаш учун олинган ўртача иш ҳақининг 75 фоизидан ошмаслиги лозим. Сизнинг иш стажингиз 42 йил бўлиб, талаб этиладиган иш стажидан 17 йил кўпдир. Демак, пенсиянинг асосий миқдори пенсия ҳисоблаш учун олинган ўртача иш ҳақининг яна 17 фоизни қўшилади. Нарпай туман ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотларига кўра, 1986-1990 йиллардаги ўртача иш ҳақингиз 2000 йил 1 августдан 9104,6 сўмга тенгдир. Бу сумманинг 72 фоизи айнан 6555,57 сўмини ташкил этади.

биноан уруш қатнашчиларига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда пенсияга устама тўланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақи 2450 сўмга тенг бўлиб, унинг 50 фоизи 1225 сўмини ташкил қилади. Айнан шу миқдорда Сизга устама тўланапти. Заҳарли кимёвий моддалар билан ишлаганик учун имтиёзли тарзда пенсияга чиқиш ҳуқуқи, ушбу ишларда камида 20 йил ишлаган ҳолларда берилади. Агар соғлигингиз ёмонлашгани туфайли ТМЭК томонидан Сизга 1-гuruh ногиронлиги берилса, унда пенсиянгизга энг кам иш ҳақининг 75 фоизи миқдоридан устама олишга ҳақли бўласиз.

Бундан ташқари юқоридан айтиб ўтилган қонуннинг 28-моддасига

ИНСТИТУТНИНГ КЛИНИК БЎЛИНМАСИ

Ўзбекистон Гематология ва қон куйиш илмий текшириш институтида яна бир йирик бўлим иш бошлади. Учинчи гематология деб номланган мазкур янги бўлим институтининг ёш клиник бўлинмаси сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Ҳозир бу ерда 30 та гематологик ўрин бор. Улар камқон беморлар билан муолажалар олиб боришга мўлжалланган. Беморларни даволашда замонавий патология-терапия дастурларидан, тиббий асбоб-ускуналардан кенг фойдаланилади. Шу билан бирга беморларга яхши наф келтирадиган илгор муолажалар қўлланади. Янги бўлим Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтининг гематология бўйича клиник базаси бўлиб ҳисобланади. Бу ерда, шунингдек, клиник ординаторларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Мазкур бўлим институтининг 60 йиллик юбилейига яхши совға бўлди.



МОДДИЙ РАҒБАТ — ҲАР БЕШ КУНДА

Оҳангарон тумани экин майдонлари асосан тоғ ва тоғолди худудларида жойлашган. Шу боис тумандаги 10 та ҳўжалик меҳнаткашлари асосан галлачилик, мева-чева ва сабзавотчилик билан шуғулланишади. Фақат бугуннинг ўзи 11 миң 100 гектар майдонда етиштирилади. Ана шу ерлар 478 нафар оилавий пудратчига бўлиб берилган.

Ҳозир галлачиликда масъулиятли давр ҳисобланади. Шу боис уруғ қадаш ишлари икки сменада ташкил этилган. Галлакорлар учун тайёрланган чой ва иссиқ овқат дала бошига олиб келинаётганлиги ишни тезлаштирмоқда. Ҳўжаликларнинг касабаси уюшма фаоллари ушбу жараёни назорат қилиб, камчиликларни вақтида бартараф этмоқдалар.

3. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Суратда: ферма мудири Эсон Шоназаров илгор сут соғувчилар Дилфуза Ўринова, Орзихол Халилова ва Махлўси Сунтавалар билан иш якунилари ҳусусида суҳбатлашмоқда.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — МАКТАБЛАРГА

Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларни дарсликлар ва ўқув жиҳозлари билан бепул таъминлаш борасида касабаси уюшмалари ҳам ҳамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмалари Марказий кўмитаси сайё-ҳаракати билан уюштирилган тадбир ҳам айнан шу мақсадга қаратилди. Бунинг учун 1 миллион 300 миң

сўмлик маблағ ажратилди. Бу пул кам таъминланган ўқитувчиларнинг фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар, турли жиҳозлар сотиб олиш учун сарфланади. Шу маблағнинг бир қисми Тошкент вилояти мактабларига берилди. Тошкент туманидаги 35-мактабада уюштирилган учрашув чоғида ажратилган совға-саломлар топширилди. Тумандаги 9-мактаб ўқитувчи ва

ўқувчилари ҳам бундай ҳимматдан баҳраманд бўлдилар. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги таъсис этган «Ўзбекистон халқ таълими аълочили» кўрак нишонини билан эса шу мактабнинг икки нафар таърибали муаллими тақдирланган эди. Учрашувда ана шу мукофотлар ҳам топширилди.

А. АЛИЕВ.

ТАДБИРКОРЛАР МАҲАБАТИНИ КЎЗЛАБ

Шахрихонда ҳуқуқ билмилари халқ университетини ташкил этилганлигига бир йилдан кўпроқ вақт бўлди. Туман прокуратурасининг ташаббуси билан иш бошлаган марказ жамоатчилик асосида фаолият юритмоқда. Унинг ишига раҳбарлик қилиш учун 10 кишидан иборат илмий Кенгаш тузилган бўлиб, унга туман прокурори — ректор, шаҳар ҳокими — проректор, ИИБ бошлиғи ўринбосари — илмий котиблик қилади, туман хотин-қизлар ва касабаси уюшма кўмитаси, ёшлар ташкилотлари вакиллари ҳам кенгаш таркибига киритилган.

Халқ университети қатъий режа асосида ўқув-амалий машғулотлар ўтказиб келаётди. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари, жамоа ҳўжаликларини, туман ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, корхона ва ташкилотлар, фермер деҳқон ҳўжаликларини раҳбарлари марказ тингловчиларидир. Эътиборлиси шундаки, машғулотлар иштирокчилари чекланмаган.

Шунингдек, туманларо прокуратурасининг сайё-ҳаракати билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ер кадастри, тадбиркорлар палатаси ва касабаси уюшмалари туман кўмитаси ходимлари учун алоҳида хоналар, ўқув ва амалий иш қўлланмалари, видео-аудио жиҳозлари билан таъминланган. Улар навбат билан тадбиркорлар ва деҳқон-фермер ҳўжаликларини аъзоларини қабул қилиб, лозим бўлган ташкилий, молиявий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатаётдилар.

Қобилжон ШОКИРОВ

Раҳбарият энди Турсунбойга таъйин ўтказишнинг бошқа йўллари ишга сола бошлади. Уни автосаф бошлиғи вазифасидан бўшатиб, таъминот бўлимига мудир этиб тай-

инлашти. Бу ҳам ноқонуний эди, чунки «Меҳнат кодекси» талабларига мувофиқ бир ходимни ўз вазифасидан бўшатиб, бошқа вазифага қўйиш учун унинг розилигини олиш керак. Шунинг учун ҳам Т.Мамарасулов маъмуриятнинг бу «от юриши»га кўнмади. Чунки уларнинг мақсади аён эди: автосаф-илгор, ундан айб топиб, Турсунбойнинг бўшатиш қийин. Таъминот бўлимида эса унга айб қўйиш осон, сабаби корхонада ўнлаб автобуслар бузилиб ётибди. Эҳтиёт қисмлар эса анқога шафёб. Турсунбой ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб, қонуншуносларга мурожаат қилди. Прокуратуранинг қатъий ҳаракати билан ўз вазифасига тикланди. Тикланди-ю, лекин энди унинг ҳар қадаминини пойлайдиган, тирноқ орасидан кир қидирадиган бўлиб қолдилар. Бир гал у эрталаб тиббий пунктда аллергияга қарши дори-дармон қабул қилиш билан банд бўлди-ю, ҳамшира бунни дафтарга қайд этишни «унутди». Маъмуриятга шунинг ўзи кифоя эди: ўша кунлик «меҳнат интизоми-

ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК

ни кўпол равишда бузгани учун ишдан ҳайдалсин» деган буйруқ чиқди. Илгариги сансалорлик, сарсонгарчиликлар, ўзининг ҳақлигини исботлаш учун идорама-идора елиб-югуришлар, асаббузарликлар бурнисининг олдида ҳовла экан. Турсунбойнинг бундан кейинги ҳаёт-мамоти суд билан боғлиқ бўлиб қолди. Суд жараёни қандай ўтишини судга иши тушган одам билади. Гоҳ жавобгар келмайди, гоҳ бирор сабаб билан суд мажлиси келаси ойга қолдирилади. Бир судья ишни унинг фойда-

тоқатида, қатъияти ва бардошига қойил қолиш керак. У ўзининг ҳақлигига ишонарди. Ҳақиқатнинг эгилиши, лекин синиши мумкин эмаслигига кўзи етарди. Қолаверса, мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бормоқда. Бу йўлда адолатнинг тантана қилиши муқаррарлигига қатъий ишонар ва ўз ниятидан қайтмасди.

Нихоят у Ўзбекистон Республикаси Олий Судига ариза билан мурожаат этди. Олий Суднинг қатъий топширигидан кейингина Асака шаҳар суди сансалорликка узил-кесил чек қўйди. Унинг ҳал қилув қароридан кейингина Т.Мамарасулов аввалги вазифасига тикланди. Корхона раҳбарлари эса бирин-кетин ўз аризаларига мувофиқ ишдан бўшаб кетдилар. Кўп ўтмай Т.Мамарасулов корхона бош муҳандислиги вазифасига тайинланди.

Янги маъмуриятга эски раҳбариятдан йирик корхонанинг оқсагани, 52 миллион сўм камомад келтирилгани, жамоада соғлом муҳитнинг бузилгани мерос бўлиб қолди. Айни пайтда меҳнат жамоаси санацияга тушишга яқинлашиб қолган корхонани қийинчилик билан бўлса-да, оёққа турғазмоқда. Мақола сўнггида Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтиш аини мудоао. «Барчамиз ҳам Оллоҳ-таолонинг бандаларимиз. Демократик, раҳбарликнинг мақоми эл-юртга оталиқдир. Оқил ота эса фарзандларини ҳеч қачон яхши-ёмонга ажратмайди. Барчасига тенг кўз билан қараб, уларнинг бошини қовуштириб, пировардида хонадон ободонлигига эришади. Бунинг акси бўлган жойда халқ орасига адоват тушади, қарама-қаршилиқ кучаяди, иш эса орқага кетади.»

ҲАҚГҲЙЛИГИ УЧУН ЖАЗОЛАШДИ БИРОҚ ПИРОВАРДИДА АДОЛАТ ТАНТАНА ҚИЛДИ

М. АБДУКАРИМОВ, Андижон.

Темур ХАЙДАРОВ.

Жума ўғитлари

Хусайн ВОИЗ КОШИФИЙ

ТИЛНИНГ ОДОБИ

Тилнинг одоби қайси, деб сўрасалар, бу олти нарсаса тилни очиб ва саккиз нарсадан тилни сақлаш, деб айтгил.

Тилни сақлаш лозим бўлган нарсалар қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, ёлгон гапирилшдан, зеро ёлгончи худонинг душманидир.

ФОРС-ТОЖИК ТИЛИДАН Н.КОМИЛОВ таржимаси.

«УЛУГ ИШДУР БУКИМ...»

Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши, Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.

Тама билан таъна сўзлари бир-бирига яқин сўзлардай туюлади менга. Бунинг сабабини шундай изоҳлаш мумкин: таманинг катта-кичиги бўлмайди.

Тама қандай тугиладу? Унинг дояси манфаат хирси. Нафс рағбати. Очқўзлик. Тама — бойлик, мансаб ва шухратга ўч кимсаларнинг ёсуманидир.

Шу ўринда бир савол қўйлик: «Тарки тамаъ» нега шараф келтиради? Негаки, у «улуг ишдур».

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

НАВОИЙХОНЛИК

Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.



560

кам бўлмагандир. Бироқ тамадан бутунлай озод одамлар сони тамапарастларга нисбатан барибир кам. Доймо ноёб бўлган улар.

Шу ўринда бир савол қўйлик: «Тарки тамаъ» нега шараф келтиради? Негаки, у «улуг ишдур».

Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуг ишдур буким, Олам аҳли барча бўлғай бир тараф,

сен бир тараф.

Сўнги сатр китанинг илк мирасида фикрнинг тўғрилигини ҳам тасдиқлайди, ҳам гўё исботлайди.

Навоий, тамаъ тухмин сочма кўп, Риё ашқидин анга сув очма кўп. Амал мазраъин эккали берма ер, Ҳавоу ҳавас хирманин елга бер.

Бу шеърдаги маъно олдинги қитъага қараганда образли тарзда ифодаланган. «Тамаъ тухми», «риё ашқи», «амал мазраъи», «ҳавоу ҳавас хирмани» — булар истиоравий иборалар бўлиб, образли моҳиятга эга.

«НЕ ТОЛИЪДУРКИ...»

Не толиъдурки, ҳар кимни десам ёр, Манга ул оқибат бўлур бадандеш, Бировдан гар ани десам кўзумсен, Чекар мужгон киб қасдимга юз неш.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоийларидан бирида:

«Ҳар кимки вафо қилса, вафо топгусидур, Ҳар кимки жафо қилса, жафо топгусидур», —

деган сўзларни ёзганлар. Жафо қилганларнинг охир-оқибатда жафо топиши яхши. Кўпинча шундай бўлади ҳам. Бу тақдирнинг адолати. Бу — ҳаётнинг жазоси.

Не толиъдурки, ҳар кимни десам ёр, Манга ул оқибат бўлур бадандеш, — деб ўқигандирлар. Ҳар қалай, бировга «кўзумсен», дея эътиқод қилинса-ю, у киприкка ўжаш юзлаб найзасини юракка санчса - бу аламли.

Бобомизга бу сўзларни битмоқ нақадар оғир бўлганлигини идрок этган одам, албатта «бадандеш»лик балосидан ҳазар қилади.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ, филология фанлари доктори.

Ғаройиб воқеалар

УЧАР ЛИКОПЧАЛАР УЧУН ҚўНАЛҒА

Қўнчилик НУЖлар бор ёки йўқлигини тортишадиган бир вақтда Жанубий Корея нушунослари шу йилнинг охиригача учар ликопчалар учун қўнчи майдончаси қуришни мўлжаллашяпти.

Шуниси қизиқки, нушунослар бунинг учун ҳеч қанча маблағ сарфлашмайди. Барча харажатларни — ўша ерда яшайдиган будда руҳонийси зиммасига олди.

ОҒРИТМАЙ ДАВОЛАЙДИ

Германияда қарисеи даволашнинг янги усули ишлаб чиқилди. Лазер мосламаси касалланган тишни мултрақ оғритмай чирган жойга 1 миллиметрлик канални қуйдириб олади.

МУСИҚАЧИ ТЕМИРТАН

Американинг Калифорния дорилфунни олимлари Динамомия деб номланган темиртан яратди. Унинг бўйи 190 см, вази эса 90 килограмм.

Тўплович: Дилшод ҚОСИМОВ.

Экстрасенс ҳам ёрдам қилолмади

Демак, бу ёғи мураббийларимиз ва футболчиларимизнинг ўзларига боғлиқ

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўйин мухлислар ёнда узок сакланиб қоладиган бўлди. Ахир ким ўйлабди, дейсиз шундай ҳол юз беришини Бошқаларни билмадигу, лекин биз - «Ишонч» газетаси ходимлари қандайдир кўтаринки руҳ билан «зангори экран» қаршидан жой олгандик. Сабаби...

Бир кун муқаддам таҳририятимизга бир йигит кириб келди. Танишдик: ашаддий футбол ишқибози экан. Мақсади миллий терма жамоамизга ёрдам бериш эканлигини билдирди.

— Телевизор орқали ўйин натижасига таъсир ўтказишим мумкин. Шарти шуки, ўйин тўғридан-тўғри олиб кўрсатилса, албатта.

— Ўзбекистон командасининг галаба қилишига кафолат бера оласизми? - сўраймиз қизиқшимиз ортиб.

— Мен бир нарсаса кафолат бера оламан: Жамоамиз дарвозасига тўп киритилмайди. Қолгани эса ҳужумчиларимизнинг ўзига боғлиқ.

Э, бу ажойиб топилмакун! Эртасига, кеч соат 19.00 да яна таҳририятимизда учрашдик. Сал ўтмай ўйин ҳам бошланди. Ва... Бугало кўриқлаётган дарвозага ўн бир метрлик жарима тўпи белгиланди.

— Бизнинг экстрасенсимиздан японларнинг шаманлари кучлилик қилди-ёё... Иўк, қувончимиз узокқа чўзилмади. Ҳадемай жамоамиз дарвозасига биринчи, кейин иккинчи, сўнг учинчи тўп киритилди.

Биринчи навбатда бу ички чемпионатимизга тегишли. Беихтиёр савол туғилади: халқаро мусобақаларда мунтазам равишда муваффақиятсизликка маҳкум этилганимизга асосий сабаблардан бири, бу олий лигамизни керагидан ортиқча кенгайти-

риб юборганимиз эмасмикан? Ахир ўртамеъна ва очикдан-очик кучсиз командаларни олий лигада ушлаб туриш шартми? Ун иккита, ўн тўртта, ботринги, ўн олтига жамоа етарли эмасмикан?

Хориждан тренераларни жалб қилиш ёхуд истеъдодли мураббийларни чет элга стажировкага юбориш йўли билан ҳам футболимиз ривожини тезлаштириш мумкин-ку!

Яна бир гап. Бу ҳақда биз илгари ҳам айтганмиз, ўйлаймизки, яна таъкидлаб ўтсак, зарар қилмайди. Нега энди худди катта теннисда бўлгани каби футбол бўйича ҳам атоқли клубларни тақлиф этган ҳолда халқаро турнирларни ташкил қилиш, унга анъанавий мусобақа макомини бериш мумкин эмас? Шубҳа йўқки, шундай қилинса, футболчиларимиз маҳорати ҳам анча тез сайқал топиб, терма жамоамизнинг оёққа туриб олиши ҳам осонроқ кечган бўлур эди...

Бугун Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги энг сўнги учрашувини ўтказди. У қандай тугайди, олдиндан фол очмайлик-да, ҳақиқий мухлис сифатида футболчиларимизга омад тилайлик. Чамаси, Саудия Арабистонини терма жамоаси ҳам аввал ўтказилган икки муваффақиятсиз учрашувдан сўнг анчайин руҳсиз ҳолатда кўринади. Қолаверса, ушбу ўйинда голиб чиққан команда гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўлланма олиши мумкин. Ажаб эмас, аламли доғ қувонч билан ювилиб, шундай бахтга Ўзбекистон терма командаси мушарраф бўлса.

Ҳар қалай, мухлисларнинг умиди хали сўнггани йўқ, бу ёғи мураббийларимиз ва футболчиларимизнинг ўзларига боғлиқ. Охириги сўзни улар айтишади.

З.РИХСИЕВ.

Испаниянинг «Suministros De Comercio Exterior, S.A.» фирмаси Тошкентдаги Республика шошилич тез ёрдам марказини энг замонавий тиббий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлайди. «Ўзтибэкспорт» ташки иктисодий корхонаси ушбу техника асбоб-ускуналарини етказиб бериш ҳамда Марказ тиббий ходимларини ўқитиш бўйича умумий қиймати 10,62 миллион евроини ташкил этувчи битим тузди.

Мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг «Республика шошилич тиббий ёрдам марказини техник жиҳозлаш тўғрисида»ги қарорига биноан Соғлиқни сақлаш вазирлиги лойиҳа бюртмачиси ва бажарувчиси этиб белгиланди.

Мазкур лойиҳани молиялаш учун Испаниянинг «Instituto de Credito Oficial» (ICO) Давлат кредит агентлиги ҳамда «Banco Bibao Viscaya Argentaria» банки «CESCE» агентлигининг суғурта қопламаси асосида Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар ажратди.

ИСПАНИЯДАН «ТИББИЙ» КРЕДИТ

Ўзбекистон Молия вазирлиги мамлакат ҳукумати номидан хорижлик кредиторлар олдида Ўзбекистон Миллий банки ҳамда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тўлов мажбуриятлари бўйича кафолатлар бериш ваколатини олади.

қилинади.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, асосий қарз ҳамда Ўзбекистон Миллий банки кредитлари бўйича фозилар ва комиссия пулларини давлат бюджети томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига узиш Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклатилади.

Шошилич тиббий ёрдам марказининг жиҳозланиши ҳамда мутахассислар томонидан янги технологияларнинг ўзлаштирилиши аҳолининг кенг қатламига Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида кўзда тутилганидек, юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

«Туркистон-пресс».



Фотоайбнома

БЕЧОРАҲОЛ БОЗОРЛАР

Бозор — юртимиз кўзгуси. Уни обод қилиш замонавий талабларга жавоб берадиган даражага келтириш сизу бизнинг зиммамизда. Хўш, айни кунларда бу масала қандай ечилмоқда?

Очигини айтганда, Фарғона вилоятида кўз-кўз қиладиган бозорлар йўқ ҳисоби. Шаҳар ва туман марказлари ҳамда қишлоқлардаги бозорлардан ҳам дилга губор инади.

Фарғона вилоятидаги жами 29 та бозорнинг фаолиятида муаммоли масалалар тўплаган қолган. Дейлик, Учкўприк, Олтиарик, Тошлоқ ва Марғи-

лон шаҳар деҳқон бозорларидаги аҳолини кўриб, афсусланасан киши. Аксари деҳқонлар ўзлари етиштирган маҳсулотларини «Деҳқон бозори»дан ташқарида, йўлакларда, йўл ёқаларида савдо-сотик қилишаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Мухтасар айтганда, Фарғона вилоятидаги деҳқон бозорларида шароитнинг йўқлиги, санитария қоидаларига амал қилинмаётганлиги оддий ҳол бўлиб қолди. Хўш, бу муаммоларнинг ечимини топишга мутасадди раҳбарлар эришишармикан?

Суратларда: Олтиарикдаги бечораҳол бозорлар.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расул, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Максимуми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва шифаланди. Оффсет усулида бошланди. Бўғини А-2, Ҳажми 2 бома табоқ, Умумий алади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.15.